

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2018 йил
8 сентябрь
ШАНБА

№ 72 (13125)

www.thtp.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ХАЛҚ ТАЪЛИМИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Халқ таълими тизимини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади, шунингдек, ўқув-тарбия жараёнида таълимнинг инновацион шакллари ва усуллари қўллашга қўмаклашади.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги ишлар ҳолатини танқидий таҳлил қилиш халқ таълими тизими бошқарувини ташкил этиш, давлат умумий ўрта таълим муассасаларининг (кейинги ўринларда умумтаълим муассасалари деб юритилади) фаолиятини амалий жиҳатдан мувофиқлаштириш, уларнинг моддий-техник ҳолатини яхшилаш бўйича тадбирларни молиялаштиришда бир қатор муаммолар ва камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Жумладан:

Биринчидан, жойларда умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, умумтаълим муассасалари раҳбарларини танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларини ҳал этиш, идоравий мансуб ташкилотларнинг мулкидан самарали фойдаланишда халқ таълими бошқарув органлари ролининг етарли даражада эмаслиги;

Иккинчидан, умумтаълим муассасалари раҳбарлари зиммасига уларга хос бўлмаган вазифалар ва функцияларни юклаш, муассаса директори ва унинг ўринбосарлари ўртасида ваколатларнинг аниқ тақсимланмаганлиги, улар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг аниқ мезонлари ва параметрлари мавжуд эмаслиги;

Учинчидан, умумий ўрта таълимнинг долзарб масалалари ва уларнинг натижаларини амалиётга татбиқ этиш бўйича чуқур илмий тадқиқотларнинг мавжуд эмаслиги, ўқув-тарбия жараёнини услубий таъминлаш масалаларида халқ таълими бўлимлари ва умумтаълим муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик даражасининг пастлиги;

Тўртинчидан, раҳбарлар, ўқитувчилар ва умумтаълим муассасалари бошқа ходимларининг касбий фаолиятига асоссиз равишда аралашувдан ҳимоя қилиш механизмларининг самарасизлиги, назорат қилувчи ва бошқа давлат органлари томонидан мактабларни текшириш ҳақдан зиёд кўпайиб кетганлиги;

Бешинчидан, таълим сифатини таъминлаш, ўқитувчиларнинг билим даражасини ва педагогик маҳоратини ошириш масалаларида умумтаълим муассасалари фаолиятидаги очиклик ва шаффофлик даражасининг етарли даражада эмаслиги, ўқув-тарбия жараёни устидан самарали жамоатчилик назоратининг мавжуд эмаслиги;

Олтинчидан, халқ таълими тизими муассасаларини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш механизмларининг мукаммал эмаслиги, уларнинг фаолиятига замонавий меъморий ечимлар, инновацион ишланмаларни ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш даражасининг пастлиги.

Ўқув-тарбия жараёнига бошқарувнинг янги механизмларини ва сифат стандартларини жорий этиш, жамиятда ўқитувчи касбининг нуфузини ошириш, умумтаълим муассасаларининг моддий-техник ҳолатини яхшилаш орқали халқ таълими тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Қуйдагилар халқ таълими тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълими сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, ҳар томонлама камол топган авлодни тарбиялаш, ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожланишини таъминлаш;

ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг (кейинги ўринларда – Вазирлик) мувофиқлаштирувчи роли ва масъулиятини кучайтириш, шунингдек, вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мазкур йўналишдаги вазифалари, функциялари ва ваколатларини аниқ белгилаш ва тартибга солиш;

Давоми 2-бетда ➡



Шу кунларда тарих ва келажак туташган манзил – қадимий Шахрисабзда байрамона руҳ ҳукм сурмоқда. Халқаро мақом санъати анжуманига қўрилган пукта тай-эргарлик шахарга ўзгача файзу тароват бахш этган. Сўлим бог ва хиёбонлар, турфа гуллар ифори тутган кўчалар кишига хуш кайфият бағишлайди. Жаҳоннинг турли минтақаларидан келган меҳмонлар чехрасидаги мамнунлик, ўзаро самимий муносабат кўҳна Кешда катта байрам бошланаётганидан дарак беради.

Қадим Шахрисабзга охишта оқшом кўнади. Дунёнинг тенгсиз обидаси – Оқсарой турфа чироқлар нурида янада маҳобатли кўринади. Гарчи кўз фасли бошланган бўлса-да, киши нигоҳи илганган жойгача яшиллик билан бурканган майдонлар ривоятни ҳақиқатга айлантиргандек. Ҳа, кўҳна Кеш бежиз яшил шахарга қиёсланмаган.

Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ва Халқаро мақом санъати анжуманини Шахрисабзда ўтказиш бора-сидаги ташаббусидан кейин шахарда қисқа фурсатда улкан ишлар амалга оширилди.

Анжуман муносабати билан тарихий маскан Амир Темури хиббони ўзгача қиёфа касб этди. Оқсарой атрофидаги майдонларда мамлакатимиз вилоятларининг турмуш тарзи, анъана ва урф-одатларини ифода этувчи этнографик шахарчалар барпо этилди. Улардаги мўъжаз саҳналарда театрлаштирилган томошалар, фольклор жамоаларининг чиқишлари намоён бўлди. Хорижлик

Умрбоқий мақомнинг жаҳоний тантанаси

Шахрисабз шаҳрида
6 сентябрь кун
Халқаро
мақом санъати анжумани-
нинг тантанали очилиш
маросими бўлиб ўтди.



сайёҳлар хунармандлар кўргазма-ярмаркаларида қадимий сўзана ва либослар, гиламлар, миллий чолғулар, сопол буюмлар намуналари билан танишиш, юртимизнинг туризм салоҳиятига бағишланган меҳмон уйларида оилавий маросимларни кўриш имконига эга бўлади.

Бухоронинг ўзига хос рамзи ҳисобланган Арк қалъаси макети, хоразмча чўғирмалар, Фарғона водийси меҳмондўстлигининг рамзи бўлган чойхоналар, туялар қарвонлари юртимиз бой тарихидан дарак беради. Мирзачўлнинг тилни ёрар қовунлари, ширин-шакар меваю узумларини кўрган киши улардан бир

татиб кўрсам, дейди.

ЮНЕСКО рўйхатига киритилган Дорус-саодат ва Дорут-тиловат мажмуалари, Кундузак масжиди, Абдушуккур Оғалик мадрасаси, Чорсу бозори каби қадимий обидалар анжуман катнашчиларига ҳайрат улашади.

Халқаро мақом анжуманининг ўтказилиши, шунингдек, "Қарши – Шахрисабз" йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи "Afrosiyob" электр поездининг қатнови йўлга қўйилгани сайёҳликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

6 сентябрь, соат 19.00. Шахрисабз, Оқсарой майдони. Анжуман иштирокчилари ва

томошабинлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни қарсақлар билан қутиб олади.

Жаҳон мумтоз санъатининг ноёб намунаси бўлган мақом санъати бўйича халқаро санъат анжумани давлатимиз раҳбари ташаббуси билан илк мартаба ўтказилмоқда.

Майдонга ушбу санъат байрамида иштирок этаётган мамлакатлар вакиллари таклиф этилади. Чорлов мусикаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга берилди.

Давоми 4-бетда ➡

ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ БИЛАН МЕҲНАТ ҚИЛИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

Аввал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида

Муносабат

Равшан ҒОҒУРОВ,

"Ўзбекистон металлургия комбинати" АЖ инвестициялар департаменти бўлими бошлиғи;

– Президентимизнинг комбинатимизга ташрифи биз, ёшларни тўлқинлантириб юбор-

ди. Шу кунги ферроқотишмалар ишлаб чиқариш цехи

ишга туширилди. Давлатимиз раҳбари ташрифи чоғида корхона ишчи-ҳодимлари билан самимий суҳбатлашди. Комбинат имкониятларидан унумли фойдаланиш, қўшимча ишлаб чиқариш объектлари

29 август кунги вилоятимизда бўлди.

Мустақиллик байрами арафасидаги ушбу ташрифдан ва Юртбошимизнинг берган маслаҳат ва йўл-йўриқларидан тўлқинланган бекободликлар ҳар соҳада янада илғор бўлишга интилоқдалар. Улардан айримлари ҳаяжон билан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

тимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши ёшларнинг таълим-тарбиясига боғлиқ эканлигини янада теранроқ англадим.

Келинг, сўзини ферроқотишмалар ишлаб чиқариш цехи мисолида давом эттира қолай.

Илгари мамлакатимизга хориждан келтирилаётган сифатли темир маҳсулотлари эндиликда шу цехда ишлаб чиқариладиган бўлди. Бу мамлакатимиз иқтисодиётида жуда катта аҳамиятга эга эканлигини яхши тушунамиз.

Давоми 2-бетда ➡

Бунёдкорлик

Ангрен шаҳар ички ишлар бўлимининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими янги бинода иш бошлади.

БАРЧАСИ АҲОЛИ МАНФААТЛАРИ УЧУН

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоят ички ишлар бошқармаси, туман ва шаҳар ички ишлар бўлиmlарининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлиmlари масъуллари, кенг жамоатчилик вакиллари ва маҳалла фолллари иштирок этди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган олижаноб ғоя халқимиз манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётгани, бунда ички ишлар тизими, хусусан, аҳоли гавжум бўладиган миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлиmlарида кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада юксалтириш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Иштирокчилар янги бинода аҳолига биометрик паспорт бериш, хорижга чиқиш юзасидан ҳужжатларни назоратдан ўтказиш ва расмийлаштириш, доимий ва вақтинчалик рўйхатга қўйиш бўйича яратилган шароитлар билан танишди. Масъуллар томонидан барча туман ва шаҳарларда аҳоли учун шундай қулай шароит яратиш лозимлиги қайд этилди.

Тадбир мобайнида биринчи мартаба фуқаролик паспорти олаётган бир гуруҳ ёшларга биометрик паспортлар тантанали равишда топширилди.

А. ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎЗА мухбири

Офарин!

ВИЛОЯТИМИЗ СПОРТЧИЛАРИ

Осиё ўйинларида ўзига хос рекордлар ўрнатишди

Мустақиллик байрами шукуҳи кезиб юрган паллада энг қувончли хабарлардан бири бу Индонезиянинг Жакарта ва Палембанг шаҳарларида ўтказилган XVIII ёзи Осиё ўйинларида спортчиларимиз 21 та олтин, 24 та кумуш, 25 та бронза, жами 70 та медални қўлга киритишгани бўлди. Ўзоқ Индонезияда жами 30 спорт турида 234 нафар спортчи билан қатнашган мамлакатимиз терма жамоаси Осиёнинг 45 давлати ичида умумжамоа ҳисобида бешинчи ўринни эгаллади. Фоллиблар шарафига 21 мартаба давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз баланд кўтарилганида спортчиларимиз қаторида бутун халқимиз ҳам ғалаба нашидасини сурди.



Истиқлол йилларида спортга давлат даражасида бўлган юксак эътибор сабаб, ўзбек фарзандлари турли халқаро мусобақалар ва Олимпиадалар, жаҳон чемпионатларида муносиб иштирок этиб, юртимиз байроғини кўкларга кўтармоқдалар. Бу шунчаки қувонарли ҳол бўлибгина қолмай, давлатимиз томонидан яратилаётган кенг имкониятларнинг натижаси, қолаверса, халқимизнинг халқ-

аро миқёсдаги куч-қудрати, етуқлик, қомиллигининг нишонасидир.

Эл-юртимиз шаъни, Ватан обрўйи яна бир бора синовдан ўтган мазкур мусобақаларда ўзбек фарзандлари жасорат, матонат кўрсатганлиги боис, медаллар жамланмаси бўйича ҳам, сифати бўйича ҳам ўзбек спорт тарихида энг яхши Осиё ўйинлари бўлди.

Баҳоси йўқ ғалабаларга эришишда Президентимизнинг 2017 йил 3



июндаги "Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг ҳаётбахш кучи муҳассам. Бу тарихий ҳужжат сабаб спортчиларимизнинг тажриба ҳамда маҳоратини ошириши, халқаро мусобақаларга пукта тайёргарлик кўриши ва уларда муносиб иштирок этиши учун қулай шарт-шароитлар яратилди.

Давоми 3-бетда ➡

Таълим масканларида

Илк бор мактаб остонасига қадам қўйганимизда, биринчи кўнгирок чалинган вақтдаги ҳаяжон ёдингиздадир? Ҳар бир инсон ана шу онларини эслаганида ширин антикиб қўяди: бежирим, ўзига ярашган мактаб формасида, қўлларида гул тутган шўжа-шодон, завқ-у шавққа тўлган болажонларнинг қиёфалари кўз ўнгимизда гавдаланади.

«БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ» ҚУВОНЧЛАРИ

Ёруғ синф хонасида бизни қутиб турган меҳрибон муаллима, янги дўстлар, парта ва стуллар, доска, хона гуллари – барчаси ўқишга бўлган иштиёқ туйғулари хотирамизга муҳим нусиб қолган бўлса, не ажаб?!

Озод ва обод юртимиз узра кезиб юрган мустақиллик байрами тантаналари шукуҳи "Билимлар кун"и шодиёналарига улашиб кетди. Бешинчи сентябрь кунги мамлакатимизнинг барча ҳудудларида биринчи кўнгирок чалиниб, янги ўқув йили бошланди.

Мазкур ўқув йилида вилоятимиздаги 869 та умумтаълим мактабида "Биринчи кўнгирок" тантаналари ўзгача бир кайфиятда бўлиб ўтди. Халқ таълими бошқармасининг берган маълумотларига кўра, бу йил вилоят бўйича жами 51 минг нафардан ортиқ ўқувчи 1-синфга қабул қилинди. "Билимлар кун"и тадбирларида уларнинг барчасига 12 номдаги ўқув қуроллари жамланган Президент совғалари топширилди.

Давоми 3-бетда ➡

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ХАЛҚ ТАЪЛИМИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

раҳбар ва педагог ходимларни танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илғор ва шаффоф ташкилий-ҳуқуқий механизмларини татиқ этиш йўли билан халқ таълими тизимида кадрлар сиёсатини шакллантиришнинг замонавий тамойилларини жорий этиш;

халқ таълими муассасаларини бошқариш тизими-га замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шаффоф ва самарали жамоатчилик назоратига эришиш, шу жумладан, барча муассасаларнинг телекоммуникация тармоқлари-га улаштириш, барча фойдаланиши мумкин бўлган маълумотлар манбасини яратиш, уларнинг фаолиятини баҳолашнинг электрон рейтинг тизимини жорий этиш;

халқ таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни ва ижтимоий муҳофаза қилишни яхшилаш, уларнинг самарали ишлаши учун муносиб шaroитларни яратиш;

зарур ташкилий-ҳуқуқий ва техник-иқтисодий шaroитларни яратиш йўли билан умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим соҳасида нодавлат хизматларини кўрсатишга оид фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар (кейинги ўринларда – нодавлат умумтаълим ташкилотлари) тармоғини янада ривожлантириш, ушбу соҳага давлат-хусусий шериклиkning турли шакллари билан самарали жорий этиш;

халқ таълими тизими-га илғор хорижий тажрибани, ўқув-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларини, шу жумладан, таълим беришнинг инновацион усулларини жорий этиш, ўқув ва ўқув-услуга адабиётларининг янги авлодини яратиш, фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни амалга ошириш.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари ва мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган давлат талаблари умумий ўрта таълимни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет параметрларида назарда тутилган маблағлар ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири томонидан тасдиқланади;

Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси раҳбарлари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлиmlари, шунингдек, Вазирликка идоравий мансуб бошқа ташкилотлар ва муассасалар бошлиқларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан келишилмасдан Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири томонидан амалга оширилади;

муваффақиятли фаолият юритаётган мактаблар негизига тармоқли мактабларни ташкил этиш, ушбу тармоққа юқламос паст коэффициентли мактабларни киритиш ҳақидаги қарор Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири томонидан қабул қилинади; 2019 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сиёсатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан (кейинги ўринларда – Давлат инспекцияси) туманлар ва шаҳарлар кесимида танлаш асосида умумтаълим муассасалари фаолияти самарадорлиги бўйича рейтинг (кейинги ўринларда – рейтинг) тузилади;

рейтинг якунлари оммавий ахборот воситаларида ва Давлат инспекциясининг веб-сайтида кейинги ўқув йили бошланишидан кечиктирмай жойлаштирилади; 2019 йил 1 январдан бошлаб умумтаълим муассасалари ходимлари бўлган пенсионерларга, уларнинг ушбу муассасалардаги фаолияти асосий иш жойи ҳисобланган тақдирда, пенсия тўлиқ миқдорда тўланади;

2019 йил 1 мартдан бошлаб давлат умумтаълим муассасалари болаларни Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилиш тартиби босқичма-босқич жорий этилади.

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири

Бошлангич 1-бетда

Янги цехимизни қуришда Жаныбий Корейнинг "Poco Daewoo" компанияси билан ҳамкорлик қилдик. Эндилкида цехимизда йилга 25 минг тонна ферросилиций ва ферросиликомарганец ишлаб чиқарилади. Бу билан металл маҳсулотлар тайёрлайдиган тармоқлар талабини тўлиқ таъминлай оламиз. Шу билан биргаликда йилга 8 минг тонна феррохотишмани экспорт қилиш орқали импортдан воз кечиb, 35 миллион долларни тежаб қоладиган бўлдик. Албатта, цехимизда 300 дан зиёд йигит-қиз ўз иш ўрнига эга бўлади.

Шу кун Президентимиз қуйиш-прокатлаш мажмуаси қурилишига тамал тоши қўйди. Бу лойиҳа мамлакатимиз иқтисодиётида жуда катта аҳамиятга эга. Унинг қиймати 452 миллион доллар бўлиб, 2020 йилда тўлиқ якунига етказилганда 400 дан зиёд йигит-қиз доимий иш билан таъминланади. Айни шу лойиҳанинг амалга ошиши йилга 1 миллион тонна 2-12 миллиметр қалинликдаги пўлат листлар ишлаб чиқариш, импортни камайтириш имконини беради. Мухими, йилга 350 миллион доллар тежаб қоламиз.

Кези келганда алоҳида таъкидлашни истардимки, цехлардаги фаолиятимизда ёшларнинг меҳнати бир қадар масъулияти бўлиб, ўзига хос изланиш талаб этилади. Президентимиз билан учрашувимиздан сўнг бизга бу борада катта ишонч билдирилаётганини чуқурроқ ҳис қилдик.

Тўғриси айтсам, шахсан мен давлатимиз раҳбари ташрифидан сўнг Ватаним учун боримни бергим

Бошлангич 1-бетда

лиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда туманлар ва шаҳарлар кесимида болаларни умумий ўрта таълим мактаблари қабул қилиш Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга ошириладиган умумий ўрта таълим муассасалари рўйхатини шакллантириш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари халқ таълими муассасаларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш масаласида ҳар томонлама қўмаклашиш, хусусан:

тегишли ҳудудда умумтаълим муассасаларига ёрдам кўрсатишни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, шу жумладан, ўқитувчилар ва ушбу соҳа ходимларининг мақомини яхшилашга ва оширишга ёрдам бериш;

халқ таълими муассасаларига қўмаклашиш масалалари бўйича вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудий бўлиmlлари раҳбарларининг ҳисоботларини белгиланган тартибда эшитиш;

нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотларига бериш учун бўш ер участкалари (ҳар бир ҳудудда йилга 50 лотдан кам бўлмаган) рўйхатини тасдиқлаш ва улардан доимий фойдаланиш ҳуқуқини "E-LRO AUCTION" ягона электрон савдо майдончасида реализация қилиш;

халқ таълими муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш, инфратузилмани (тротуарлар, йўллар ва бошқалар) зарур ҳолатда сақлаш бўйича буюртмачи функциясини амалга ошириш;

халқ таълими муассасаларини электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви, зарур санитария-гигиена шaroитлари ва бошқа коммунал хизматлар билан узлуксиз таъминлаш;

туманлар (шаҳарлар) комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сектор раҳбарлари билан биргаликда халқ таълими муассасаларини ўқув йилга ва куз-қиш мавсумига ўз вақтида ва самарали тайёрлаш тадбирларини амалга ошириш;

умумтаълим муассасаларининг хавфсизлигини таъминлаш, шу жумладан, ҳудудлар атрофини ўраш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича инспекторларни бириктириш, видеокузатув камералари, ёнғинга қарши сигнализация тизимларини, кириш йўлларида қондабузарликларни қайд этувчи қурилмаларни ўрнатиш чора-тадбирларини қуриш;

халқ таълими муассасалари ҳудудининг ва кўчмас мулкнинг бутунлигини ҳамда дахлсизлигини белгиланган тартибда таъминлаш;

халқ таълими муассасаларидаги мавжуд муаммоларни тез ва самарали ҳал қилиш бўйича бошқа чоралар қўрилишини ташкил этиш учун шахсан жавоб беради.

4. Вазирликнинг: 2018 йил 1 октябрдан бошлаб умумтаълим муассасаларининг васийлик кенгашларини тугатиш; таркибига муассаса фаолиятига жиддий ҳисса қўшишга қодир энг фаол ота-оналар, биттирувчилар, ҳомийлар ва бошқа шахслар киритиладиган, юридик шахс мақомисиз умумтаълим муассасаларининг кузатув кенгашларини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

Куйидагилар умумтаълим муассасаси кузатув кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Вазирлик томонидан тасвир этилган номзодлардан умумтаълим муассасаси раҳбарини сайлаш, шунингдек, белгиланган тартибда уни эгаллаб турган лавозимдан озод этиш ҳақида тақлифлар киритиш; умумтаълим муассасасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш; умумтаълим муассасаси раҳбарининг муассаса фаолиятини такомиллаштириш, молиявий-ҳўжалик ҳолати, даромадлар ва харажатлар, бюджет, бюджетдан ташқари, ҳомийлик ва бошқа маблағлардан фойдаланиш бўйича қўрилган чора-тадбирлар тўғрисида ҳисоботларини вақти-вақти билан тинглаш;

ўзининг ҳақиқий эгасини топти. Энг муҳими, бугун фермерда ўз меҳнатидан манфаатдорлик ҳиссиёти кучайиб, келажакка ишончи янада мустаҳкамланиб бораётти. Бу, албатта, қиялоқ ҳўжалигимизни, қўйиники, бу-

умумтаълим муассасаси раҳбарининг тақдирнома-си бўйича йиллик молиявий режаларни, кўрсатилаётган пуллик хизматлар нархининг миқдорларини ва муассаса мулкidan фойдаланганлик учун ижара ҳақи миқдорини, шу жумладан, аукциондаги бошлангич нархни қўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

ўқувчилар учун яратилган шaroитлар устидан тизимли равишда мониторинг ўрнатиш;

ўқувчилар ва улар ота-оналарининг мурожаатларини қўриб чиқиш, умумтаълим муассасасининг педагог ва раҳбар ходимлари фаолияти тўғрисида ижтимоий сўровларни ўтказиш;

таълим муассасасининг фаолиятини ташкил этиш-га тааллуқли бошқа масалаларни ҳал қилишда иштирок этиш.

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда бир ой муддатда Умумтаълим муассасасининг кузатув кенгаши тўғрисидаги низомини ва унинг намунавий таркибини тасдиқласин.

5. Давлат инспекцияси Вазирлик билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар муддатда:

тегишли фанни ўқитиш бўйича билим ва қўникма даражасини – педагоглар малакасини аниқлашнинг асосий мезони сифатида белгилаб, умумтаълим муассасаларининг педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартибини қайта қўриб чиқсин;

педагогик маҳорат ва билим даражасини доимий ошириб боришга қўмаклашувчи илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, халқ таълими тизими ходимларининг билим даражасига оид малака тоифалари ва талабларини такомиллаштириш бўйича аниқ тақлифлар киритсин;

умумтаълим муассасалари рейтингини тузиш мақсадида уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тасдиқлансин;

ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолаш бўйича халқаро дастурлар ва тадқиқотларда (PISA, TIMSS, PIRLS ва бошқалар) умумтаълим муассасалари ўқувчиларининг иштирокини ташкил этсин.

6. Вазирлик, Ўзбекистон Республикаси Молия вазиригали ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 1 октябрдан бошлаб қуйидаги тартибни жорий этиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин:

халқ таълими муассасаларининг кўчмас мулкни ижарага беришдан тушган маблағнинг 1 фоизи Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлиmlлари ҳузуридаги давлат мулки ижара марказларига, қолган қисми эса электрон савдо майдончаси операторига тўланган тўлов чегирилгандан кейин – халқ таълими муассасаларини ривожлантиришнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтирилади;

умумтаълим муассасаси раҳбарига халқ таълими муассасаларини ривожлантириш бюджетдан ташқари жамғармаси маблағларини эркин тасарруф этиш, шу жумладан, жамғарма даромадларининг жами суммасидан 10 фоизини ўз моддий рағбатлантириши учун йўналтириш ҳуқуқини тақдим қилган ҳолда халқ таълими муассасалари учун жамғарма маблағларидан устувор равишда уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун фойдаланиш тўғрисидаги талаб бекор қилинади.

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазиригали билан келишган ҳолда икки ой муддатда халқ таълими муассасаларини ривожлантиришнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Давлат инспекцияси Бош прокуратура, Адлия вазиригали ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда умумтаълим муассасалари фаолиятини текширишга ваколатли органларнинг қатъий рўйхатини, текширув тайинлаш ва ўтказиш мезонлари ҳамда ҳуқуқий асосларини назарда тутган ҳолда текшириш тартибини белгилайдиган ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда умумтаълим муассасалари фаолиятини назорат қилувчи органлар томонидан текшириш дав-

рийлиги уларнинг рейтингда эгаллаб турган ўрнига боғлиқ бўлиши белгилансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси айбдор шахсларга нисбатан қонун ҳўжжатларига мувофиқ қатъий жавобгарлик чораларини қўллаган ҳолда умумтаълим муассасалари фаолиятини ноқонуний текширишга йўл қўймаслик устидан назоратни кучайтирсин.

Назорат қилувчи органлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда умумтаълим муассасалари фаолиятини текшириш давомида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва келгусида йўл қўймаслик ишларида ҳар томонлама қўмаклашин.

9. Вазирлик:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 февралга қадар муддатда Ўзбекистон Республикасида 2030 йилга қадар умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни тизимли, минтақавий ва мақсадли ривожлантиришнинг устувор йўналишларини, шунингдек, уни амалга ошириш бўйича "йўл харитасини" ўз ичига олган Халқ таълими тизимини ривожлантиришнинг узоқ муддатли концепциясини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) Қурилиш вазиригали, Молия вазиригали, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда етакчи лойиҳа институтларини жалб қилган ҳолда, умумтаълим муассасаларини қуришнинг халқаро тажрибасини ўргансин ва 2019 йил 1 январга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Замонавий мактаб" Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори лойиҳасини киритсин: экологик жиҳатдан тоза материаллар ва энергиянинг муқобил манбаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган намунавий лойиҳалар асосида замонавий мактаблар қуриш;

мактабларни, шу жумладан, ўқув синфлари ичини янги, қулай мебеллар, замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, дарсқилар ва ўқув-услубий материаллар, компьютер ва мультимедиа техникаси, видеокузатув тизимлари билан жиҳозлаш;

в) уч ой муддатда ўқув режалари ва дастурларини оптималлаштириш, инновацион, шу жумладан, масофавий педагогик усуллардан кенг фойдаланиш, ушбу жараёнинг самарадорлигини бутунлай оширишни назарда тутган ҳолда умумтаълим муассасаларининг раҳбар ва педагогик ходимлари малакасини ошириш тартиби ва тизимини тубдан қайта қўриб чиқсин.

10. Давлат инспекцияси, Молия вазиригали, Вазирлик ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 ноябрга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таълим сифатини таъминлашда Давлат инспекциясининг ролини кучайтириш, унинг ташкилий-штат тузилмасини такомиллаштириш, ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоясини яхшилаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин.

11. Вазирлик Адлия вазиригали билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳўжжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.


12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомидинов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазиригали ўринбосари А. А. Абдуҳақимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 5 сентябрь

ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ БИЛАН МЕҲНАТ ҚИЛИШ ВАҚТИ КЕЛДИ



Ғофуржон ЮСУПОВ.

"Юсупов Ғофуржон Ғайз" фермер ҳўжалиги раҳбари.

– Давлатимиз раҳбари туманимизга ташрифи давомида фермер ҳўжалигимизда бўлганлари кўнгилмизни тоғдек кўтариб юборди. Президентимиз ҳўжалигимизда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди. Дала шийпонимизда вилоят фермерлари билан бўлган мулоқотдан низоҳатда руҳланиб кетдик.

Кези келганда бир гапни айтишни истардим, деҳқон ерни, ер эли боқади. Бу кечаги ёки бугунги гап эмас. Мустақиллик йилларида ер

тун ҳаётимиз фаровонлашши-га ўз таъсирини кўрсатапти. Президентимиз таъкидлаганидек, фермер бугунги кунда фақат пахта ва галлага қараб қолмаслиги керак. Биз ҳам замонавий фермер ҳўжалигимизни кўп тармоқли қилиб, нафақат галла ва пахтадан мўл ҳосил олишни, балки балиқчилик, паррандачилик, чорвачилик, асаларичилик каби тармоқларни, ҳатто, қайта ишлашни ҳам йўлга қўйиш орқали даромадимизни кўпайтириш харақатидимиз. Давлатимиз раҳбари биздан шуни кутаяптилар. У кишининг ишончини қозониш учун эса кўрсатилаётган эътибор, ғамхўрликлардан унумли фойдалана олсам, кифоя.

Шу боис, бугунги кунда ҳар соҳада билимдон бўлишимиз замон талабига айланган. Шунингдек, илғор техника ва технологияларни жалб этиш баробарида етиштирган маҳсулотларимизни қайта ишлаб, ички ҳамда ташқи бозорни тўлдирар олганимиздагина ҳақиқий фермер бўламиз. Мана шу фикрларимни ўз фаолиятим мисолида давом эттирадиган бўлсам, пахта ва галла етишти-

ришга ихтисослашган фермер ҳўжалигимизнинг умумий ер майдони 78,6 гектарни ташкил этади. 31,1 гектар майдонга галла экиб, гектардан 71 центнердан ошириб ҳосил олдик. Даромадимиз ҳам ёмон

шидаги селекция ва уруғчилик ишларини такомиллаштириш чоралари қўрилаётганидан қувонмай бўладим?

Шу боис, энди ўзини ҳурмат қилган ҳар бир фермер мамлакатимиз

равнақи ва тинчлиги, халқимиз дастурхони тўкинлигини таъминлаш йўлида Президентимизга қамарбаст бўлишни биринчи галдаги муҳим вазифа, деб билмоғи керак.

Насиба УБАЙДУЛЛАЕВА,
Бекобод шаҳридаги
Ал-Хоразмий номли МФЙ
хотин-қизлар билан ишлаш ва
оилаларда маънавий-ахлоқий
кадриятларни мустаҳкамлаш
бўйича мутахассиси.

– Очигини айтсам, телекранлар орқали дунёнинг қўллаб ривожланган мамлакатларида одамлар учун яратилган шaroитларни қўриб, ҳавасим келарди. Бундай имкониятлар Бекободда ҳам пайдо бўлармикан, дея ўйлардим.

Бекободдаги бугунги бунёдкорликлар, ободонлаштириш ишлари, ўзгаришлар одамлар ишончини янада мустаҳкамляпти. Шаҳримиз қиёфаси ўзгариб бораётганидан дунёнинг манаман деган мамлакатларидан ҳеч бир кам жойимиз, халқимизнинг қўлидан келмайдиган ишнинг, эгаллай олмайдиган марранинг ўзи йўқлигини қалбдан ҳис қилаяман.

Президентимиз Бекободга бундан бир йил аввалги ташрифлари чоғида шаҳарни ривожлантириш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берган эдилар.

Мана, ўтган бир йилда шаҳримизда қилинган ишларни қўриб, ҳайратингиз ошиши турган гап. Арзон, сифатли, энг муҳими, замонавий услубда бешта етти қаватли уй қурилиб, битказилиш арафасида турибди. Тез орада яна бешта шундай тураржой қурилиши бошланади. Четдан қараганда, бу ерда худди бир кичик шаҳарча барпо бўлаётгандек: уйлар атрофига болалар ўйин майдончалари, замонавий савдо шаҳобчалари ҳам қурилади-да.

Давлатимиз раҳбарининг тақлифи билан ушбу янги массивга "Мустақилликнинг 27 йиллиги" деб ном берилгани эса айни кўнгилмиздаги гап бўлди. У киши биз билан учрашиб, энг азиз ва энг улуғ байрамимиз билан шахсан табриклангандаги қувончимиз, ҳаяжонларимиз хали ҳам кетмади.

Ҳа, сал бўлмаса унутаёзиман-ку! Ушбу массивдаги 6 та уй ноғиронлиги бор шахсларга мутасаддилар томонидан совға қилинди. Уй ҳоҳларини эса саховатпеша ҳомийлар таъминлаб беришди. Мана шундай хабарларни эшитганда қайфиятим янада кўтарилиб кетади-да.

Биласизми, ҳозир ҳаёлимдан яна нималар ўтапти? Мана шундай ўзал масканларда одамлар фақат эзгу ғоялар билан яхшиликка интилиб яшайди. Энди улар ўз оиласи, халқ учун шижоат билан меҳнат қилишади. Аслида, бунёдкорликнинг асосий моҳияти ҳам шунда эмасми?

«Тошкент ҳақиқати» муҳбири

Абдусалим МАХМУДОВ ёзиб олди

Осиё ўйинлари мамлакатимиз, шу жумладан, вилоятимиз спорт учун ҳар томонлама муваффақиятли ўтди. Унда вилоятимиз спортчилари 2 та олтин, 7 та кумуш, 7 та бронза медаллари қўлга киритиш баробарида, барча жабҳаларда рекордларни янгилашди. Энг муҳими, вилоятимизнинг икки спортчи

ида бундай натижага эришган биринчи спортчи бўлиб тарихга кирди. Унинг баҳсларидан кучли одам энг аввал ўзини енга олган, иродали одам, деган ҳикматли иборанинг маъно-моҳиятини чуқурроқ ҳис қилдик.

– Бугун ўзимни дунёдаги энг бахтли инсон деб биламан, – дейди тўрт карра

ри чемпиони Шахбоз Холмирзаев. – Ўша лаҳзаларда кучимга куч қўшилганини сездим ва бу рақибларимни енгизиш билан бир қаторда мамлакатимиз терма жамоаси яна бир бор дунёнинг энг кучли бокс мактабига эга эканлигини кўрсатиб берди. Жами етти вазндаги спортчиларимизнинг барчаси фи

киритишди.

Бокс мусобақаларида кумуш медалга оҳангаронлик Шунқор Абдурасулов лойиқ қўрилиши билан бир қаторда мамлакатимиз терма жамоаси яна бир бор дунёнинг энг кучли бокс мактабига эга эканлигини кўрсатиб берди. Жами етти вазндаги спортчиларимизнинг барчаси фи

орасида Чирчиқ шаҳридан Руслан Бўриев муносиб иштирок этиб, кумуш медалга эга чиққани қалбларимизга фахр-ифтихор туйғуларини олиб киргани рост.

Дарвоқе, кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мусобақаларда бор куч-ғайрати билан ҳаракат қилиб, фахрли ўринларни

Мукофот муборак!

ОРТДА ҚОЛГАН ИЗ ЯХШИ

Ҳар тонг қуёш замин билан саломлашмай туриб, уйғонишга одатланган Умирзоқ ака бугун ҳам иш кунини барвақт бошлади. Тарки одат-да, ишга кетгунча томорқасидан бир хабар олмаса, кўнгли жойига тушмайди. Аслида, 4 ўғилдан унга иш ортмайди, аммо мўъжазгина томорқага экилган гулу раёхон, помидор, булғор қаламшири, бақлажон каби सबзавотларни чопиш, сугориш, мевали дарахтларни парваришлаш Умирзоқ аканинг эрмаги. Бу пайтда аччиққина кўк чой дамлаб, "Хорманг-бор бўлинг"га келган Хурсаной опа турмуш ўртоғининг пешонасидаги реза-реза терни кўриб, у билан ўтказган 35 йиллик тотув ҳаёти, 5 нафар фарзандни вояга етказиб, уйли-жойли қилиш машаққатлари кўз олдига келиб, шукрона келтирди...

Чинозлик Хурсаной ва Умирзоқ Жўмартовлар оиласига маҳаллада кўпчилик ҳавас билан қарайди. Бошқалар дардини ўзиники, деб биладиган, кўнглини қариндош-уруғ, таниш-нотаниш ишига доимо камарбаста, содда, самимий, меҳнаткаш оила.

Эсини танигандан бери ҳалол меҳнатни ўзига касб этган Умирзоқ Жўмартовнинг "меҳнат дафтарчаси"да иккитагина ёзув бор: 1977-78-йилларда жамоа хўжалик қорвачилик фермасида ишчи, 1981 йилдан шу даврга қадар 33-хўжаликларо механизациялашган кўчма колоннада пайвандчи.

Аммо "меҳнат дафтарчаси"да қайд этилмайдиган жиҳатлар ҳам бўларкан, қаранг. "Ўз вазифасига масъулиятли, ҳалол, тўғриси, бошлаган ишини охирига етказмагунча тинчимайди, билганларини шогирдларига ўргатмаса, кўнгли тўлмайди", деган жумлалар унинг "умр дафтарчи"ни безайди. Шунинг учун бўлса керак, қурувчилар бригадасидаги барча ҳамкасблар Умирзоқ Жўмартовни ҳурматлаб, маслаҳат қўрсатмаларига амал қилишади.

– Бино ва иншоотларнинг пойдевори пишқ-пукта бўлса, узоқ йиллар жизмат қилади, – дейди У. Жўмартов. – Қурган биноларимиз кишида иссиқ, ёзда салқин, фойдаланувчига эса ҳар томонлама қулай бўлиши қурилиш ашёларидан тўғри, оқилона фойдаланиш ва сифатли иш бажаришга боғлиқ. Қасимиз "Мендан кетгунча, эгасига етгунча", қабилда ишлаш-ни хушламайди. Шунинг

учун зиммалардаги масъулиятни теран англаб, ҳар бир ишни астойдил бажаришга ҳаракат қиламиз. Ортимиздан қоладиган ном қурган биноларимиз ва эзгу амалларимиз туйғули эканини унутмаслигимиз керак.

Умирзоқ ака ҳақ, Узоқни кўзлаб иш тутиш мақсадга элтувчи энг тўғри йўл. Бу ақида неча ўн йиллардан бери Умирзоқ аканинг умр йўлларини ёритиб, еш қурувчиларга дастуриламал бўлиб келади.

Хикоямиз ҳақрамонининг кўп йиллик самарали меҳнатлари зое кетмади. Яқиндагина кенг нишонлаганимиз – Қурилиш соҳаси ходимлари кўни муносабати билан Президентимиз фармонида кўра, Умирзоқ Жўмартов юксак мукофот – "Меҳнат шухрати" ордени билан тақдирланди.

– Яхши гапнинг қаноти бўлади, деганлари рост экан. Жамоамиз аъзоси Умирзоқ Жўмартовнинг бундай юксак мукофот билан тақдирлангани ҳақидаги хушхабарни муборак Ҳаж зиёратига эшитдик, – дейди 33-хўжаликларо кўчма механизациялашган колонна масъулияти чекланган жамияти раҳбари Аҳмадали Худойбергенов. – Жуда хурсанд бўлдим, кўпчиликнинг кўнглидаги иш бўлибди. Ҳар бир инсонга меҳнатларининг меваси тотиш насиб этсин.

Биз ҳам бу гапга қўшилган ҳолда, Умирзоқ акага исмига монанд узоқ умр тилаб, яна кўп йиллар эл қорига камарбаста бўлиш бахти насиб этсин, дегимиз келди.

Аллома АЗИЗОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

ВИЛОЯТИМИЗ СПОРТЧИЛАРИ

Осиё ўйинлари ўзига хос рекордлар ўрнатишди

чиси рақиблари орасида тенгсиз деб топилиб, давлатимиз мадҳияси садолари остида, байроғимиз энг баланд нуктага кўтарилишига сабабчи бўлишди.

Вилоятимиздан қатнашган 21 нафар спортчимиз бокс, эшак эшиш, оғир атлетика, велоспорт, кураш, ўқ отиш, юнон-рум кураши, дзюдо, таэквандо, жиу-житсу спорт турларида иштирок этиб, республика миқёсида умумжамоа ҳисобида бешинчи, медаллар сони бўйича иккинчи ўринга сазовор бўлишди.

Вилоятимиз фахри Вадим Меньков каноэда эшак эшиш бўйича тўрт карра Осиё ўйинлари ғолибига айланди. Бу борада Вадим ўзбекистонлик спортчилар

Осиё ўйинлари чемпиони Вадим Меньков. – Бу эришган натижаларимга, албатта, мамлакатимизда спортга бўлган эътибор, давлатимиз раҳбарининг биз, спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, ғамхўрлик кўрсатиб келаётгани сабаб бўлаяпти. Шу боис, эришган ғалабамни Мустақиллигимизнинг 72 йиллигига бағишлайман.

Кувончимизга кувонч, ғуруримизга ғурур қўшилиши мамлакатимиз спорт тарихида биринчи бор академик эшак эшиш бўйича Шахбоз Холмирзаев олтин медални қўлга киритиши туйғуланди.

– Беллашуларга киришар эканман, она халқимнинг меҳр-муҳаббатини юрагимнинг туб-тубидан ҳис қилдим, – дейди Осиё ўйинла-

Шунингдек, академик эшак эшиш бўйича бекободлик Алишер Турдиев, паркентлик Дилноза Раҳматова ҳамда нурафшонлик Артур Гулиев, велоспортда чирчиқлик Муроджон Холмуратов, курашдан эса Руслан Бўриев, оғир атлетикада Бўстонлик туманидан Достон Ёқубов, боксдан эса оҳангаронлик Шунқор Абдурасулов кумуш медалга эга бўлишди.

Оғир атлетика бўйича Чирчиқ шаҳридан Адхамжон Эргашев, эшак эшиш бўйича Бўстонлик туманидан Нуриислом Тўхтасин ўғли ва Шахриёр Маҳкамов, чирчиқлик Серик Мирбеков ҳамда паркентлик Дилноза Раҳматова, Ўрта Чирчиқ туманидан Наталия Казанцева, таэквандо спорт тури бўйича Чирчиқ шаҳридан Светлана Осипова бронза медалини қўлга

налга чиқиб, 5 та олтин, 2 та кумуш медал билан умумжамоа ҳисобида Осиё мамлакатлари орасида биринчи ўринни эгаллашди.

Осиё ўйинларида яна бир тарихий воқеа юз берди. Бу миллий спортимиз – ўзбек кураши бўйича илк маротаба бахслар ўтказилди. Кувончли шундаки, 45 мамлакат спортчилари қатнашган кураш мусобақаларида "ҳалол", "ёнбош", "чала", "танбех" ва "дакки" каби ўзбек атамавлари мунтазам жаранглаб турди.

Шу муқаддас заминимизда камол топган мард ва шижоатли полковлар афсонавий пахлавонларимиз номларини абадиятга муҳрлаган миллий курашимизда спортчиларимиз 6 та олтин, 2 та кумуш, 4 та бронза медалини қўлга киритишди. Улар



Абдусалим МАХМУДОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

АЪЛОЧИЛАР МАСКАНИ

Пискент туманида жойлашган 1-сонли умумтаълим мактаби вилоят ҳокимининг қарорига кўра, ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабига айлантирилди.

Мазкур таълим масканида филология фанлари янада чуқур ўргатилиб, ўқувчиларнинг бу борадаги билим ва кўникмалари ошириб борилади.

Мактабнинг очилиш тадбирида вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими, тегишли мутасадди ташкилотлардан вакиллар иштирок этдилар.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси О. Парлибоева барча устоз-мураббийлар ва ўқувчиларни янги ўқув йили ҳамда мактабнинг очилиши билан қутлади. Шунингдек, 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби маъмуриятига қимматбаҳо совғалар тақдим қилиниб, 1-синф ўқувчиларига Президент совғалари топширилди.



Биринчи кўнғироқ жаранглади. Барча синфларда Мустақиллик дарслари ўтилиб, ўқувчиларга Ватани севиш ва ардоқлаш хусусида тушунчалар берилди.

Ўзда 1 минг 451 ўқувчини жамлаган мактабда бугунги кунда 85 нафар ўқитувчи таълим-тарбия беради. Бу ердаги 32 та фан хоналари, кутубхона, фаоллар зали, спорт зали, ошхона, тиббиёт хоналари замон талаблари асосида таъмирланди. Шунингдек, компьютер, физика, кимё, биология хоналарининг зарурий ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқишини орттириши шубҳасиз.

Ширинхон МҲМИНОВА

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ЯНГИ МАКТАБЛАР

Тухфа

Янги ўқув йили бошланиши муносабати билан Оҳангарон туманидаги "Бирлик" маҳалласида 45-мактабга қўшимча равишда қурилган 240 ўринли ўқув биноси ҳамда спорт зали фойдаланишга топширилди. Мазкур мактаб қурилиши учун 2 миллиард 115 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Келажагимиз ворислари – ёшлар учун замонавий, кўрак, замон талабларига жавоб берадиган мактабнинг фойдаланишга топширилиши қишлоқ аҳолисига бир олам кувонч бағишлади.

– "Сарижайлоқ", "Обиз", "Янгичинор" маҳаллаларидаги болалар энди яқин ҳудуддаги мактабга қатнайдилар, – дейди мактаб директори

Мўтабар Ёрматова.

Худди шунингдек, "Қўқсарой" маҳалласидаги 23-умумтаълим мактаби ҳам навқирон авлод ихтиёрига топширилди. 120 ўринга мўлжалланган ўқув биноси "Кушон Дизайн қурилиш" масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан қурилди.

Тадбирда таълим муассасаларини барпо этишда фаоллик қўрсатган қурувчиларга миннатдорлик билдирилиб, уларга совға-саломлар топширилди.

Ўз мухбиримиз

2018-2019 ўқув йили – таълим муассасаларида "Инновацияларни қўллаган ҳолда назарий машғулотларни ўқув амалиёти билан ўзвий боғлиқлигини таъминлаш" йили, деб белгиланди.

Зангиота туманидаги 14-умумтаълим мактабига ҳам "Билимлар кўни" байрамона руҳда ўтди. Эндигина мактаб остонасига қадам қўйган юз нафардан ортиқ 1-синф ўқувчиларига Президентимиз совғалари тантанали равишда топширилди. Шундан сўнг "Биринчи кўнғироқ" чалиниб, барча ўқувчилар синфхоналари томон йўл олишди.

Янги ўқув йилининг биринчи сабоғи Мустақиллик дарси билан бошланди. "Азиз ва ягонаман, жонажон Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилган мазкур дарс юртимизнинг истиқлол давридаги одимлари, барча соҳаларда қўлга киритилган оламшумул ютуқ ва муваффақиятлар, тинчлик ва озо-йишталлик қадр, бахтиёр болалик ва саодатли ҳаёт шукронаси, мустақилликни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, унинг янада порлоқ эртасига муносиб бўлиб камол топиш туйғуларини ўзда мужассам этгани билан аҳамиятли бўлди.

– Йигирма олти йилдан бери бошланғич синфларга дарс бераман, – дейди "Халқ маорифи аълочиси" кўрак нишони соҳибаси Нилуфар Фуломова. – Бу йил фаолиятимда олтинчи марта биринчи синф ўқувчиларини қабул қилаяпман. Ҳар сафар болажонларнинг кўзларидаги қувонч, илм олишга бўлган иштиёқни кўриб, тўлқинланиб кетаман. Бугун илк бора юрагидега ҳаяжон билан мактаб остонасига қадам қўйган болажонлар келажақда юртимизга керакли инсонлар бўлиб етишиши учун бор куч ва имкониятимни аямайман.

"Билимлар кўни" тантаналари Қибрай туманида ҳам шод-хушрамлиқда ўтди. Ёзининг қайноқ бағри-

да мириқиб ҳордиқ олган болажонлар жонажон мактабларига янгича иштиёқ, ўзгача кайфият билан кириб келишди.

Тумандаги 4-умумтаълим мактабига ўтказилган тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари Санжар Юсупов ва туман ҳокими М. Мирқаси-

«БИРИНЧИ КЎНҒИРОҚ» ҚУВОНЧЛАРИ



Биринчи кўнғироқ жарангига улашиб кетган Мустақиллик дарсида халқимизнинг азалий орзуси, гурур-ифтихоримиз тимсоли бўлмиш истиқлолнинг аҳамияти ҳаётий мисоллар орқали тушунтириб берилди.

– Педагогик жамоамиз билан янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўрдик, – дейди мактаб директори Дилфуза Раҳимова. – Барча синф хоналари ва бошқа биноларни барвақт таъмирдан чиқар-

дик. Бундан ташқари, ўқитувчиларимиз жорий ўқув йилини катта шижоат, иштиёқ билан бошлашганини алоҳида таъкидлаш лозим. Негаки, Президентимизнинг 2018 йил 14 августдаги "Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини си-

тантанали маросимда янграган мустақиллик ва Ватани мадҳ этувчи куй-қўшиқлар йиғилганлар қалбига гурур ва кувонч уйғотди, – дейди она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Зебо Жўраева. – Бу кун, айниқса, биринчи синфга қадам қўйган ўқувчилар учун унутилмас бўлиб қолади. Болажонлар

таассуротлари билан қизиқдик. – Бугун жудаюм хурсандман, – дейди у. – Ака-опаларим сингари тезроқ улғайиб, мактабга боришни, ҳарфларни ўрганишни орзу қилардим. Байрагимиз яхши ўтди. Ўртоқларим билан Президентимиз совғасини олдик. Сўзкамда ранг-баранг дафтарлар, китоблар, ўқув



Кўнғироқ чалинаётганида севинчини ичига сиғдиrolмаётган 1-синф ўқувчиси Хулкар Муродованинг

қуруллари бор экан. Бу кувончли кунни ҳеч қачон унутмаймиз. Устозимиз Мустақиллик дарсида Юртбошимиз яхши билим олишимиз учун шундай ажойиб совғалар берганларини айтдилар. Энди мен фақат беш баҳога ўқийман.

Дарҳақиқат, ана шундай жажжи қалбларда кўртка ёзаётган улкан орзу-умидларда эртанги кунимиз улғаймоқда, истиқболимиз камол толомоқда. Демак, мустақил дёйримизнинг келажаги янада порлоқ ва нурафшон бўлиши шубҳасиз.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Мансур ХИММАТОВ олган суратлар

◀◀ Бошланиши 1-бетда

